

УУК (УДК): 634.1

МЕВА ДАРАХТЛАРИГА ТЎҒРИ ШАКЛ БЕРИШ ВА БУТАШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИКГА ТАЪСИРИ

Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна
қ.х.ф.ф.д(PhD)

Парпиева Махмудахон –каттаўқитувчиси
*Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти*

Аннотация: Правильно организовав плодоводство, можно принести экономике хороший доход, экспортируя фрукты и производимую из них продукцию. Но прежде чем формировать яблоки, персики, груши, любое плодородное дерево, необходимо изучить их плодовые свойства.

Ключевые слова: яблоки, черенки, кусты, плоды, сорта

Annotation: By properly organizing fruit growing, you can bring a good income to the economy by exporting fruits and the products produced from them. But before you form apples, peaches, pears, any fruit tree, you need to study their fruit properties.

Keywords: apples, cuttings, bushes, fruits, varieties

Аннотация: Мевачиликни тўғри ташкил қилиш орқали, мева ва ундан тайёрланадиган саноат маҳсулотларини четга экспорт қилиш орқали иқтисодиётга яхшигина даромад ҳам келтириш мумкин. Бироқ олма, шафтоли, нок, хар қандай мевали дарахтга шакл беришдан олдин, уларни мева қилиш хусусиятларини ўрганиш лозим.

Калит сўзлар: олма, кесиш, буташ, мева, навлар

Қайси шох мевали шох эканлигини билмасдан аввал, шакл бериш ва кесиш ишларини амалга ошириб бўлмайди. Олма дарахтлари 2 ёки 3 йиллик мевали шохчаларда асосий мевани беради. Дарахтга тўғри шакл бериш орқали ёруғликни дарахтнинг барча қисмларига бирдек етиб боришини таъминлаш мумкин. Аксарият хазонрезги (кузда баргини тўқувчи) мевали дарахтларда мевани ҳосил қилувчи гул куртаклари ўтган йилги ёзда

шаклланади. Шунинг учун, ёз фаслида ёруғликнинг дарахтга яхши етиб бориши гул куртакларнинг ривожини учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, бу дарахтда етишаётган ҳосилнинг юқори сифатини белгиловчи таъм, ранг, шакл каби омиллар учун ҳам муҳимдир.

Олма дарахтларини кесиб буташдан мақсад, унинг юқори қисмини очиб, қуёш нурлари дарахт ички қисмига ҳам бирдек тушишини таъминлашдир. Ёруғликнинг яхши тушиши ҳосил кўпайишига ва меваларнинг фарқлиқлигига сабаб бўлади. Дарахтларни кесиш меваларни 20,4 % гача йириклаштиради, уларнинг таъм сифатини ҳам яхшилади.

Буталган дарахтларнинг мевалари таркибида буталмаган дарахтларникига қараганда шакл ва кислоталар кўп бўлади. Кесиш, яъни буташ билан дарахтларни ёшартириб боғнинг махсулдорлик ёшини узайтириш мумкин. Дарахтни аввал буташ лозим, деган саволга қуйидаги қоидалар асос қилиб жавоб бериш мумкин: кесиш энг кеч гуллайдиган дарахтлардан бошланиб, энг эрта гуллайдиган дарахтлар билан тугатилади.

Буташ вақтини белгилашда ҳисобга олиш зарур бўлган яна бир омил бу дарахтнинг ёшидир. Фақат бир турдаги мевали боғларни буташ жараёнида, кесишни, аввал, ёши катта дарахтлардан бошлаш керак. Ёш кўчатлар эрта буташ натижасида қиш совуғидан етадиган зарарларга таъсирчан бўлиб қоладилар. Чунки, кесилган дарахт тиним давридан бирмунча эрта ўйғонади. Кесиш ва шакл беришни дарахт шоҳ шакллари орасига қуёш нурининг бир текисда тушиши натижасида ҳосил сифтига дарахтлардаги йиллик новдаларнинг ўсиши, ҳосил беришда солкашлик сезилмай, мевалар доим йирик, сифатли рангдор бўлишини таъминлайди. Кесиш, шакл бериш дарахтларга таъсир этадиган энг актив агротехник агротехник усуллардан бўлиб, уларни парвариш қилиш комплексда муҳим элемент ҳисобланади. Мева дарахтларини системали кесиш орқали ҳосилни уч баробарга ошириш мумкин, меваларни 20,4 фоизгача йириклаштириб уларни таъм сифатини таркибидаги шакл ва кислоталар кўп бўлишини таъминлайди.

Маълумотларидан кўришимиз мумкинки биринчи вариантга нисбатан иккинчи вариантда ҳосилдорлик юқори, сифатли 24,6 яъни 3,1 тонна юқори ҳосил олинганлиги билан ажирлиб турибди. Тажриба Андижон вилояти, Избоскан туманидаги А.Тилбоев ММТ га қарашли “Қобилжон боғи” боғдорчилик фермер хўжалигини 15 йилги олма боғларида олиб борилди.

Хулоса қилиб айтганимизда. Республикадаги боғдорчилик соҳасида ўтказилган илмий ишлар жуда кўп бўлсада, бу соҳадаги ишларни ҳисобга олган ҳолда боғдорчиликдан олинган юқори ва сифатли мева етиштиришда кесиш шакл бериш усуллари, муддатларини белгилашни ўрганиш ва уни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А.А.Рибак, С.А.Остроухова Ўзбекистон мевачилиги. Т, «Ўқитувчи», 1981.
2. А.А. Арипов А.У. Арипов Уруғли интенсив мева боғлари Т, 2013
3. Б.Ғуломов, Ш.Аброров. И.Нормуротов Мевали дарахтларга шакл бериш, кесиш ва пайвантлаш. Т, 2011
4. Турдиева, Г. А., Камбарова, М. А., & Эргашева, Х. И. (2019). Применение гербицида Зета в выращивании озимого нута. *Инновационная наука*, (5).
5. Хайдаров, Ж., Мамадалиев, М., Эргашова, Х., & Орифжонова, У. (2021, August). USE OF BIOLOGICALLY ACTIVE SUBSTANCES IN PEST CONTROL: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1353>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).
6. Kamiljanovna, S. N., Kamilov, S. G., & Kamiljanovna, M. M. (2020). FUSARIUM OXYSPORUM AND DEALING WITH THEM. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 3658-3662. *Agriculture*, (2-2).
7. Сиддикова, Н. К., Мирзайтова, М. К., & Абдуллаева, Г. Д. (2019). Грибные болезни хвойных. *Вестник науки*, 1(12), 257-259.
8. Абдуллаева, Г. Д. К., Мирзайтова, М. К., & Сиддикова, Н. К. (2019). Вредители шиповника. *Вестник науки и образования*, (24-3 (78)).

9. Сиддикова, Н. К., Нуралиев, Х. Х., & Абдуллаева, Г. Д. (2020). ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕРЫ БОРЬБЫ С ЛЕСНЫМИ БОЛЕЗНЯМИ. *Life Sciences and Agriculture*, (2-2).
10. Сиддикова, Н. К., Мамажонова, О. С., & Кузибоев, Ш. (2017). Эволюция паразитизма. In *Результаты фундаментальных и прикладных исследований в области естественных и технических наук* (pp. 84-87).
11. Камилов, Ш. Г., & Сиддикова, Н. К. (2020). Защита сеянцев хвойных культур от корневой гнили. *Защита и карантин растений*, (5), 17-18.
12. Сиддикова, Н. К., & Тошмухаммедова, Г. (2017). ПРИМЕНЕНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ЗАГУЩЕННЫХ ПОСЕВАХ ХЛОПЧАТНИКА НА ЕСТЕСТВЕННОМ ЗАРАЖЕННОМ ПОЛЕ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 722-723).
13. Сиддикова, Н. К., & Жаханалиев, М. (2017). ВЫРАЩИВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫХ ТОМАТОВ (ПОМИДОР). In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 720-723).